

## **Республика фан олимпиадасининг I (институт) босқичи**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019-йил 3-майдаги ПҚ-4306-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 29-30 марта куни институтимизнинг 2, 3 ва 4 - босқич талабалари ўртасида “Электротехниканинг назарий асослари” фанидан Республика фан олимпиадасининг I (институт) босқичи бўлиб ўтди. I босқичда жами 21 нафар талаба иштирок этди.



Натижаларга биноан ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. I босқич якунлари бўйича энг юқори балл тўплаган ҚСХЕТ факультети 302-гуруҳ талабаси Нуралиев Сардор ғолиб деб топилди ва Республика фан олимпиадасининг II босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**